



МАЙДА БЕЗОРИЛИК ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Хуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, майор **Азимов**

Ағзамбек Фахриддин ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси кундузги таълим
Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги бўйича
таълим олаётган 3-ўқув курси 315-ўқув гуруҳи курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17480326>

ARTICLE INFO

Received: 25th October 2025

Accepted: 28th October 2025

Published: 29th October 2025

KEYWORDS

Профилактика инспектори,
майда безорилик,
хуқуқбузарлик,
профилактика, хуқуқий
асос, жамоат тартиби.

ABSTRACT

Мазкур мақолада майда безорилик
хуқуқбузарликларининг олдини олишда
профилактика инспектори фаолиятининг ўрни ва
аҳамияти ёритилган. Амалдаги хуқуқий асослар
таҳлили асосида профилактик чораларни самарали
ташқил этишга доир амалий таклифлар ишлаб
чиқилган.

Мамлакатимизда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида майда безорилikka қарши курашиш профилактика тизимининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Бу хуқуқбузарлик тури жамиятда юриш-туриш қоидаларини менсимаслик, одоб-ахлоқ ва хуқуқий меъёрларга зид хатти-ҳаракатлар орқали намоён бўлади ҳамда фуқаролар осойишталигига, жамоат хавфсизлигига бевосита таҳдид солади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 183-моддасига кўра, майда безорилик жамоат жойларида уятли сўзлар айтиш, беҳаё қилиқлар кўрсатиш, фуқароларга нисбатан ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ва бошқа шунга ўхшаш ҳаракатларда ифодаланади. Бунда жиноий жавобгарликни келтириб чиқарадиган оқибатлар мавжуд бўлмаслиги лозим. Агар бундай ҳаракатлар шахснинг соғлиғига шикаст етказиш, мулкка анча миқдорда зарар етказиш билан уйғунлашса, улар Жиноят кодексининг 277-моддаси 1-қисми бўйича жиноят сифатида квалификация қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 9-сон қарорида безорилик ва майда безорилик тушунчаларининг хуқуқий чегаралари аниқ белгилаб берилган. Суд амалиётида қилмишни тўғри квалификация қилишда жамоат тартибини қўпол бузиш, сабабий боғланиш мавжудлиги, жиноий оқибатлар ва шахснинг ниятини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу ечимлар амалда профилактика инспекторларининг фаолиятида хуқуқий мезон сифатида хизмат қилади.

Профилактика инспекторлари фуқаролар билан бевосита ишлайдиган асосий амалий бўғин сифатида майда безорилик ҳолатларини эрта аниқлаш, уларнинг келиб

чиқиш сабабларини бартараф этиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг жиноят даражасига ўтиб кетишини олдини олишда муҳим рол ўйнайди. Улар томонидан профилактик суҳбатлар ўтказиш, ҳисобда турган шахсларни мунтазам назорат қилиш, аҳоли билан ҳамкорликда тушунтириш ишларини кучайтириш ҳамда ҳуқуқбузарликка мойил муҳитларни ўрганиш каби вазифалар амалга оширилади.

Амалдаги тизим таҳлили профилактика инспекторлари фаолиятида қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Жумладан, жойларда ҳуқуқий тарғиботнинг етарли даражада самара бермаётгани, аҳолининг ҳуқуқий онги пастлиги, баъзан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тўғри қўлланилмаслиги натижасида майда безорилик ҳолатлари етарлича олди олинмаётгани кузатилмоқда. Шу боис профилактик фаолиятни мустаҳкамлаш, инспекторларнинг ҳуқуқий билими ва амалий кўникмаларини ошириш, жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорликни чуқурлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармонида жамоат хавфсизлигини таъминлашда фуқаролар манфаатларига хизмат қилиш, янги ҳамкорлик механизмларини жорий этиш, аҳоли билан очиқ мулоқотни кучайтириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Бу эса профилактика инспекторларига нафақат ҳуқуқни қўлловчи, балки ҳуқуқий маданиятни шакллантирувчи ва жамоатчиликни фаол жалб этувчи субъект сифатида янги масъулият юклайди.

Майда безорилик ҳуқуқбузарликлари жамиятда ҳуқуқий тартибот ва фуқаролар осойишталигини бузувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Уларнинг олдини олишда профилактика инспекторларининг фаолияти тизимли, ҳуқуқий асосланган ва жамоатчилик билан ҳамкорликда йўлга қўйилиши муҳим аҳамият касб этади. Суд амалиёти ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили шуни кўрсатадики, майда безорилик ва жиноий безорилик тушунчаларини тўғри ажратиш, уларни ҳуқуқий жиҳатдан аниқ квалификация қилиш ҳамда манзилли профилактик чораларни амалга ошириш ҳуқуқбузарликлар динамикасини барқарор пасайтиришга хизмат қилади.

Биринчидан, профилактика инспекторлари аҳоли билан ишлашда ҳуқуқий тарғиботни замонавий ва манзилли шаклларда ташкил этиши, ҳуқуқбузарликка мойил муҳит ва шахсларни барвақт аниқлаши, уларнинг хатти-ҳаракатларига сабаб бўлувчи ижтимоий омилларни бартараф этишга қаратилган профилактик механизмларни кучайтириши зарур.

Иккинчидан, инспекторларнинг Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси ва МЖТК 183-моддасида назарда тутилган ҳолатларни фарқлаш бўйича билим ва кўникмаларини мунтазам ошириш муҳим. Бу уларнинг қилмишларни тўғри квалификация қилиши, ҳуқуқбузарликларга тезкор ва қонуний асосда таъсир кўрсатиш имкониятини оширади.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 ноябрдаги 801-сон қарори билан тасдиқланган “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили доирасида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизимини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Унга мувофиқ, ижтимоий профилактика тадбирлари ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабрланиш эҳтимоли бўлган шахсларга нисбатан

амалга оширилади. Булар қаторида ишсиз ёшлар, ижтимоий назоратсиз қолган вояга етмаганлар, гиёҳвандликка ёки спиртли ичимликларга мойил шахслар, низоли оилалар, жабр кўрган хотин-қизлар, жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган шахслар ва парваришга муҳтож кексалар каби тоифалар мавжуд. Профилактика инспекторларининг ушбу шахслар билан манзилли иш олиб бориши жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Тўртинчидан, ПФ-27-сон Фармонида белгиланганидек, жамоат хавфсизлигини таъминлашда давлат органлари ва жамоатчилик тузилмалари ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш, профилактик ишларда фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш зарур.

Бешинчидан, профилактика инспекторларининг ҳисобот ва назорат тизимини такомиллаштириш, улар фаолиятини баҳолашда амалий натижалар — майда безорилик ҳолатларининг камайиши, маҳаллаларда осойишталик даражасининг ошиши — асосий мезон сифатида белгиланиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, профилактика инспекторларининг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш, ижтимоий профилактика механизмларини самарали йўлга қўйиш, ҳуқуқбузарликка мойил шахслар билан тизимли ишлаш ҳамда жамоатчилик билан ҳамкорликни кучайтириш орқали майда безорилик ҳолатларини самарали тарзда олдини олиш мумкин.

References, Литературы, Adabiyotlar:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. 2025.
3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодекси. 2025.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонуни.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 29-ноябрдаги “Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармон.